

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА
БОЛА САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

УСИНОВА ЗАМИРА БАХТИЯРОВНА

**БАЧАДОНДАН ТАШҚАРИ ҲОМИЛАДОРЛИК БЎЛГАН АЁЛЛАРДА
ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИДАН КЕЙИНГИ ДАВРНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Усинова Замира Бахтияровна

Бачадондан ташқари ҳомиладорлик бўлган аёлларда
жарроҳлик амалиётидан кейинги даврни
оптималлаштириш

5

Усинова Замира Бахтияровна

Оптимизация тактики ведения послеоперационного
периода у женщин с внематочной
беременностью

26

Usinova Zamira Bakhtyarovna

Optimization of tactics of postoperative
period management in women with
ectopic pregnancy

50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА
БОЛА САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

УСИНОВА ЗАМИРА БАХТИЯРОВНА

**БАЧАДОНДАН ТАШҚАРИ ҲОМИЛАДОРЛИК БЎЛГАН АЁЛЛАРДА
ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИДАН КЕЙИНГИ ДАВРНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1125 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) тилларида) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.akusherstvo.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ниязметов Рахматулла Эрматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бабаджанова Шахида Дададжановна
тиббиёт фанлари доктори

Асранкулова Дилором Бахтияровна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132а-уй. Тел./Факс: (+99871)–263–78–33; e-mail: info@uzaing.uz; веб-сайт: www.akusherstvo.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132а-уй. Тел./Факс: (+99871)–263–78–33.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Надирханова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

А.М.Бабаханова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, PhD

М.М.Асатова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бачадондан ташқари ҳомиладорлик билан боғлиқ ҳолатларнинг дунё миқёсида ортиб бориши соҳа мутахассислари учун долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...кейинги йигирма йил ичида бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг ўртача учраш ҳолати ҳомиладорликнинг умумий сонига нисбатан 1,2–1,4% ва туғилишга нисбатан 0,8–2,4% ни ташкил қилган»¹. Бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг сўнгги йилларда фақат иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда эмас, балки умумий тиббиёт амалиётида ҳам оналар ўлими, репродуктив функциянинг бузилиши, иккиламчи бепуштлиқ, такрорий бачадондан ташқари ҳомиладорлик ҳолатлари ва аёллар ҳаёт сифатининг пасайиши билан боғлиқ жиддий оқибатларга сабаб бўлаётгани бу муаммони ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволаш усулларини жорий этиш зарурлигини тақозо этади.

Жаҳонда бачадондан ташқари, хусусан, бачадон найларида жойлашган прогрессив ҳомиладорлик ҳолатларини эрта аниқлаш, самарали жарроҳлик тактикаларини танлаш ва жарроҳликдан кейинги реабилитация даврини такомиллаштиришга қаратилган қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада мазкур йўналишдаги тадқиқотлар асосан репродуктив функцияни сақлаб қолиш, такрорий эктопик ҳомиладорлик ҳолатлари частотасини камайтириш, шунингдек, аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган бўлиб, амалиётда индивидуал ёндашувни жорий этиш, репродуктив тизимни максимал даражада сақлаш ва баъзи ҳолларда келажақдаги физиологик ҳомиладорлик имкониятини таъминлашни талаб қилади. Прогрессив бачадондан ташқари ҳомиладорлик ҳолатларида жарроҳлик амалиёти пайтида тўғри тактика олиб бориш, тўқималарни эҳтиёткорлик билан сақлаш, шундан сўнг реабилитация босқичида такомиллаштирилган комплекс усулларни қўллаш – бугунги кун акушерлик амалиётидаги йўналишлардан бири бўлиб, аёлларда юзага келиши мумкин бўлган акушерлик ва перинатал асоратларнинг олдини олишга қаратилган тадқиқотлар сифатида алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматларни жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, аҳоли, айниқса, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада аёллар соғлиғига тааллуқли касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволашни таъминлаш, замонавий инновацион технологияларни жорий этиш орқали тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мутахассислар томонидан, репродуктив саломатликни тиклашга қаратилган ва тавсия этилган замонавий усуллардан фойдаланиш орқали жарроҳлик

¹ Kellie Mullany. Overview of ectopic pregnancy diagnosis, management and innovation // Journal Womens Health (Lond). 2023; 19: PMID: 36999281.

амалиётидан кейинги даврда беморларга мажмуавий ва индивидуал оптималлаштирилган реабилитация усулларини қўллаш орқали жарроҳликдан кейинги асоратларни камайтириш, умумий ҳаёт сифати ва репродуктив имкониятларини яхшилаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4891-сон, 2022 йил 25 апрелдаги «2022–2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-216-сон, 2023 йил 8 сентябрдаги ПҚ-296-сон «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бачадондан ташқари ҳомиладорликни ташхислаш, даволаш (жумладан, жарроҳлик йўли билан) ва реабилитация қилишнинг турли усулари бўйича тадқиқотлар дунёнинг қатор етакчи тиббиёт университетлари, марказлари ва клиникаларида олиб борилмоқда. Бачадондан ташқари ҳомиладорлик баъзида критик ҳолат (near miss maternal morbidity) билан кечувчи оғир касаллик бўлиб, шошилиш жарроҳлик аралашуви, инфузион-трансфузион терапия билан мажмуавий интенсив муолажа ҳамда жарроҳлик операцияси пайти ва ундан кейинги даврда беморлар репродуктив функцияси бузилишининг, оналар ўлимининг олдини олишни талаб этиши, айрим ҳолларда оғир асорат – такрорий БТХ ва бепуштликни даволаш учун замонавий технологияларни қўллашга тўғри келиши кўрсатиб ўтилмоқда (Houser M., Kandalajt N., Khati N.J., 2022). Дунёнинг етакчи олимлари томонидан қайд этилган маълумотларга кўра, бачадон найчасининг ёрилиши кўп қон кетиш ва геморрагик шок билан кечади, ҳомиладорликнинг биринчи триместрида 9–14% оналар ўлимига асосий сабаб бўлиб, ҳомиладорлик билан боғлиқ барча ўлимларнинг 5–10% ни ташкил қилади. Ғарб мамлакатларида бачадон найларининг ёрилиши билан касалланиш ҳолатлари тахминан 15% ни ташкил қилиб, ретроспектив тадқиқот COVID-19 пандемияси пайтида ёрилиш ҳолатларининг кўпайганлигини кўрсатади (Yared G., Madi N., 2024; Lin N., You M., Tan G., Li W., 2024; Kaur A., Anu G., 2023). Сўнгги, яъни XXIII Бутунжаҳон акушер-гинекологлар конгресси (FIGO, 2021)да мазкур муаммо муҳокама қилинганда касаллик ташхисоти, уни даволаш усулини танлаш ва унда жарроҳлик аралашув даражасини аниқлаш кабилар янада такомиллаштирилиши лозимлиги қайд этилди. Замонавий жаҳон соғлиқни сақлаш соҳасида БТХни

эрта ташхислашнинг «олтин стандарт»и мавжуд: трофобласт ва унинг бачадонда ёки унинг ташқарисида жойлашганини аниқлаш учун трансвагинал эхография билан биргаликда β-ИХГ мавжудлигини аниқлаш учун қон зардобини тадқиқ қилиш устувор аҳамият касб этиши кўрсатиб ўтилган (Verma M.L., 2022; Patel T.L., Chouhan G., 2023).

МДХ мамлакатлари, жумладан, Россия Федерацияси олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, БТХни ташхислаш ва даволашнинг инновацион лапароскопик усули долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шубҳасиз, лапароскопик усул ахборий аҳамиятга эга бўлиб, у қорин бўшлиғидаги «фалокат» даражасини визуал баҳолаш ва тегишли даволаш усулини танлаш имконини беради. Бироқ бу усулдан дастлабки босқичларда, биринчи навбатда, ҳомила бачадон найида жойлашган ҳолатда, яъни 4–5 ҳафталик прогрессив бачадон найи ҳомиладорлигида ёки бачадон найи аборти типидagi бачадондан ташқари ҳомиладорликда фойдаланиш мумкин (Фетищева Л.Е., 2019; Дамиров М.М., 2023). МДХ мамлакатлари адабиётларида инновацион лапароскопик техникаларни қўллаш жарроҳлик амалиётини бажариш жараёнида кўпинча ижобий натижалар бериши, жарроҳлик амалиётининг бажарилиш вақтини қисқартириши, қон йўқотишни камайтириши, битишмаларнинг камроқ содир бўлиши туфайли аъзоларни сақловчи жарроҳлик операцияларини амалга ошириш мумкинлиги, лекин БТХ билан шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишда лапароскопик жарроҳлик устувор усул бўла олмаслиги, мазкур патология билан боғлиқ жарроҳлик аралашувларининг фақатгина 12–15% эндоскопик йўл билан бажарилиши таъкидланган (Аванесянц А.С., 2019; В.Ф.Снегирева, 2020; Аникин С.С., Лившиц И.В., Рыбалка А.Н., 2021).

Мамлакатимизда БТХ билан боғлиқ муаммолар, жарроҳлик амалиётидан кейинги йирингли асоратларни камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва репродуктив функцияни тиклаш акушерлик-гинекологик амалиётда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жарроҳлик аралашуви пайтида организмнинг яллиғланишга физиологик жавоби содир бўлиб, у илк соатлардан бошлаб қорин пардасининг толасимон қайта тузилиши, битишмалар пайдо бўлиши ва пельвиоперитонитнинг ривожланишини бошлаб бериши, буларнинг ривожланишида яллиғланишолди цитокинлар муҳим роль ўйнаши аниқланган. Бачадон найи-перитонеал генезли турғун иккиламчи бепуштлик ва репродуктив функциянинг турғун бузилиши билан БТХнинг такрорий ҳолатлари ривожланиши ҳамда келиб чиққан мутлақ бепуштликни даволаш учун репродуктив технологиялар талаб қилиниши қайд этилган (Бабаджанова Г.С., 2019; Гадаева И.В., 2020; Надырханова Н.С., Ким Ёнг-Дин., 2021; Якубова О.А., Назарова С.М., 2023).

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бачадондан ташқари ҳомиладорлик билан хасталанган аёлларнинг репродуктив функцияси сақланиб қолмаётгани, бачадондан ташқари такрорий учрайдиган ҳомиладорлик частотасининг ошиб бораётгани, уларнинг ҳаёт сифати ёмонлашиши, яъни иккиламчи бепуштликнинг юқори ўринларга чиқаётгани

жуда муаммоли ҳолатдир. Шу боисдан касалликни вақтида тўғри ташхислаш, бачадондан ташқари ҳомиладорликда лапароскопик усулни, жарроҳлик амалиёти жараёнида ва ундан кейинги босқичда реабилитациянинг такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқиш зарурати диссертация тадқиқоти мавзусининг долзарблигини асослайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш» дастури доирасида Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади бачадон найларида жойлашган ҳомиладорликнинг прогрессив шаклида жарроҳлик амалиётини қўллаш пайтида ва жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда такомиллаштирилган реабилитация усулини қўллаш орқали репродуктив функцияни сақлаб қолиш ва такрорий эктопик ҳомиладорлик частотасини камайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Оролбўйи минтақасида жойлашган Нукус шаҳрида бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг учраш частотасини, касалликнинг келиб чиқиши ва ривожланишига сабаб бўлувчи омиллар, гинекологик ва самотик касалликларнинг ролини аниқлаш;

ретроспектив гуруҳда бир томонлама сальпингэктомиядан сўнг аёллар фертиллиги ҳолати ва уларда учрайдиган такрорий бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг кузатилишини анъанавий реабилитациядан сўнг аниқлаш;

бачадон найларида ривожланаётган ҳомиладорлик туфайли асосий гуруҳда ўтказиладиган органларни сақловчи лапароскопик жарроҳлик амалиёти жараёнида қўлланиладиган дезинфекцияловчи эритма – декаметоксин билан ретроград гидротубация, сальпинголизис ва сальпингокатетеризация усулларининг самарадорлигини назорат гуруҳига нисбатан қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

бачадон найидаги ҳомиладорликни инновацион даволаш ва реабилитациянинг оптималлаштирилган усулларига боғлиқ ҳолда олинган натижаларни баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017–2022 йилларда Нукус шаҳридаги Шошилинч тиббий ёрдам маркази ва Республика перинатал марказининг гинекология бўлимларида бачадондан ташқари ҳомиладорлик билан касалланган 816 нафар аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бачадондан ташқари ҳомиладорлик билан оғриган беморларнинг касаллик тарихи, физикал текширув маълумотлари, клиник-лаборатория маълумотлари, гемостазиограмма, дори воситасини буюриш варағи, наркоз картаси ва инструментал тадқиқот маълумотларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида умумий клиник, биокимёвий, инструментал (УТТ, МРТ) ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Оролбўйи минтақасида бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг учраш частотаси, касалликнинг келиб чиқиши ва ривожланишига сабаб бўлган омиллар – сальпингит, хламидия, гонорея, аралаш инфекция, эндометриоз ва абортларининг роли аниқланган;

бачадондан ташқари ҳомиладорлик сабабли, сальпингоэктомия амалиёти бажарилган назорат гуруҳида, бирламчи бепуштлик 55,3%, иккиламчи мутлоқ бепуштлик 24,6% юқори даражада учраши ва иккиламчи мутлоқ бепуштлик бўлган беморларга фертил фаолиятини тиклаш учун ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллаш зарурлиги аниқланган;

бачадон найларида учрайдиган прогрессив ҳомиладорликда ўтказиладиган жарроҳлик амалиёти жараёнида комплекс қўлланиладиган дезинфекцияловчи эритма – декаметоксин билан ретроград гидротубация, сальпинголиз, сальпингокатетеризация ва жарроҳлик амалиётдан кейинги такомиллаштирилган реабилитация усулининг самарадорлиги исботланган;

бачадон найларида учрайдиган прогрессив ҳомиладорлик туфайли ўтказилган инновацион жарроҳлик амалиёти ва амалиётдан кейинги такомиллаштирилган реабилитация усулини қўллаш натижасида иқтисодий, тиббий, ижтимоий самарадорликни яхшилаш, беморларнинг фертил фаолияти 67,6 % тиклаш ва бепуштликни 2,4 бараваргача камайтириш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Оролбўйи минтақасида бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг ривожланиши ва динамикада учраш частотаси купайишига носпецифик, специфик инфекциялар ва соматик касалликлар сабаб эканлиги асосланган;

бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг қайталаниш ҳолатларини камайтириш, бачадон найларини, яъни репродуктив орган ва унинг функциясини сақлаб қолиш учун лапароскопик сальпингостомия усулини амалга ошириш зарур эканлиги асосланган;

интраоператив реабилитация сифатида қорин бўшлиғини 500 дан 1000 мл гача бўлган ҳажмда декаметоксиннинг антисептик дезинфекцияловчи эритмаси билан санация қилиш, ҳар иккала бачадон найларини уч карра ретроград ювиш, сальпинголизис, сальпингокатетеризация ва жарроҳлик амалиётдан кейин уч ой давомида схема бўйича стрептокиназа ва стрептодорназа асосли ферментатив шамчаларни қўллаш зарурлиги асосланган;

бачадондан ташқари ҳомиладорликда операциядан кейинги даврни реабилитация қилишнинг такомиллаштирилган усули иқтисодий, тиббий ва ижтимоий жиҳатдан самарадорлиги муҳим эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқот ишида замонавий алгоритмлар ва услублар, назарий маълумотлар қўлланилганлиги, етарлича миқдордаги бачадондан ташқари ҳомиладорлик билан касалланган беморлар, клиник-лаборатор маълумотларидан фойдаланилганлиги, тадқиқот

натижалари хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан таққосланганлиги, шунингдек, олинган хулосалар ва натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг динамикада учраш частотаси, ривожланиш сабаблари, жарроҳлик аралашуви пайтида организмда яллиғланиш жараёнининг кучайиши, қорин бўшлиғида битишмалар пайдо бўлиши, бачадон найи-перитонеал генезли турғун иккиламчи бепуштлик келиб чиқиши ва у аёлнинг репродуктив функцияси бузилишига олиб келиши аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бачадон найларида ривожланаётган ҳомиладорликни эрта ташхислаш, органларни (бачадон найларини) сақлайдиган лапароскопик жарроҳлик амалиётини ўтказиш, жарроҳлик амалиёти жараёнида дезинфекцияловчи эритма – декаметоксин билан ретроград гидротубация усулида бачадон найларини уч карра ювиш, сальпинголизис, сальпингокатетеризация услубларини қўллаш, жарроҳлик амалиётидан кейин уч ой давомида схема бўйича стрептокиназа ва стрептодорназа асосли ферментатив шамчаларни қўллаш репродуктив функцияни сақлаб қолиши, жарроҳлик амалиётидан кейинги илк йирингли-инфекцион асоратларни ва бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг қайталаниш частотасини камайтириши ва беморлар турмуш тарзининг яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бачадондан ташқари ҳомиладорлиги бўлган аёлларда жарроҳлик амалиётидан кейинги даврни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: Оролбўйи минтақасида БТХнинг ривожланиши ва динамикада учраш частотаси кўпайишига носпецифик, специфик инфекциялар ва соматик касалликлар сабаб бўлиши ҳақидаги маълумотлар «Бачадондан ташқари ҳомиладорликда жарроҳлик аралашувидан кейин аёллар репродуктив функциясини сақлашга комплекс ёндашув» номли услубий тавсияга киритилган (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг 29.12.2023 йилдаги 7н-р/67-сонли хулосаси) бўлиб, Тошкент шаҳридаги 2-туғруқ комплексининг (05.01.2024 йилдаги 28-сон буйруқ) ҳамда Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 3-сон оилавий поликликасининг (07.01.2024 йилдаги 5-сон буйруқ) амалий фаолиятига татбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Оролбўйи минтақасида БТХнинг учраш частотаси ошганининг асосий хавф омиллари жинсий аъзоларнинг яллиғланиши, соматик касалликлардан анемия, сийдик чиқариш тизими касалликларининг кўп миқдорда учраши эканлиги аниқланди. Агар репродуктив ёшдаги аёлларда соматик ва жинсий органларининг яллиғланиш касалликлари эрта ташхисланса ва ўз вақтида даволанса, бу БТХнинг ривожланиш хавфини сезиларли даражада камайтириш, репродуктив натижалар ва аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* БТХ ривожланиши ва кўрсаткичи ўсишининг олдини олиш, ҳар юз ҳомиладорликдан 2,3 тасида

репродуктив фаолиятни сақлаш, оналар ўлимини камайтириш ва битта БТХни ташхислаш ҳамда даволаш учун ўртача 6 540 325 сўмлик сарф-харажатлар тежаллади. *Хулоса:* беморлар кичик тос аъзоларининг яллиғланиш касалликлари, сурункали бир томонлама сальпингит, сурункали икки томонлама сальпингит, аралаш инфекция ва соматик касалликлар эрта ташхисланса ва ўз вақтида даволанса, бу БТХнинг ривожланиш хавфини сезиларли даражада камайтириш, репродуктив натижалар ва аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда сарф-харажатларни иқтисод қилиш имконини беради;

иккинчи илмий янгилик: анъанавий реабилитация усули қўлланилган ретроспектив гуруҳда сальпингоэктомия амалга оширилгандан сўнг аёлларда ўрганилган фертилик, БТХнинг қайта учраш частотаси ва бачадон найларининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар «Бачадондан ташқари ҳомиладорликда жарроҳлик аралашувидан кейин аёллар репродуктив функциясини сақлашга комплекс ёндашув» номли услубий тавсияга киритилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ретроспектив гуруҳдаги 65 нафар аёлда бачадон найчаси ҳомиласининг тушиши сабаб ўтказилган бир томонлама сальпингэктомиядан сўнг икки йил давомида амалга оширилган анъанавий реабилитация усули фонида спонтан ҳомиладорлик – атиги 13 нафар (20%), бепуштлиқ – 36 нафар (55,3%) ва қолган бачадон найчасида такрорий БТХ – 16 нафар (24,6%) беморда кузатилгани юқорида кўрсатилган услубнинг ижтимоий самарадорлиги паст эканлигидан далолат беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда даволаш учун сарфланадиган ҳар кунлик харажатлар ретроспектив гуруҳда битта беморга 289 132 сўмни, проспектив гуруҳда эса 166 849 сўмни ташкил этди ($p>0,05$). Жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда ретроспектив гуруҳдаги битта беморни даволашга кетадиган маблағ 122 283 сўмга кўп бўлгани учун унинг иқтисодий самарадорлиги кам деб баҳоланган. *Хулоса:* анъанавий реабилитация усули қўлланилган ретроспектив гуруҳда сальпингоэктомия амалга оширилгандан сўнг аёлларда фертилик, БТХнинг қайта учраш частотаси ҳамда бачадон найларининг ҳолати ўрганилган ва ижтимоий, иқтисодий самарадорлиги жуда паст деб топилган;

учинчи илмий янгилик: илк мартаба бачадон найларида учрайдиган прогрессив ҳомиладорликда ўтказиладиган жарроҳлик амалиёти жараёнида комплекс қўлланиладиган дезинфекцияловчи эритма – декаметоксин билан ретроград гидротубация, сальпинголиз, сальпингокатетеризация ва жарроҳлик амалиётидан кейинги такомиллаштирилган ва самарали реабилитация усули Тошкент шаҳридаги 2-туғруқ комплексининг (05.01.2024 йилдаги 28-сон буйруқ) амалий фаолиятига татбиқ этилган (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг 29.12.2023 йилдаги 7н-р/67-сонли хулосаси). 2022–2024 йиллар давомида БТХ сабаб жарроҳлик амалиётини ўтказган аёлларда репродуктив функцияни сақлаб қолишга қаратилган юқоридаги чора-тадбирлар 17 нафар беморда ўрганилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* бачадон найларида ривожланаётган ҳомиладорликни эрта ташхислаш, органларни (бачадон найларини) сақлайдиган лапароскопик

жарроҳлик амалиётини ўтказиш, жарроҳлик амалиёти жараёнида дезинфекцияловчи эритма – декаметоксин билан ретроград гидротубация усулида бачадон найларини уч карра ювиш, сальпинголизис, сальпингокатетеризация услубларини қўллаш, жарроҳлик амалиётидан кейин уч ой давомида схема бўйича стрептокиназа ва стрептодорназа асосли ферментатив шамчаларни қўллаш натижасида спонтан ҳомиладорлик 15 нафар (88,2%), бепуштлик эса атиги 2 нафар (11,7%) беморда учрагани жуда юқори ижтимоий самарадорликдан далолат беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* беморларнинг жарроҳлик амалиётидан кейин стационарда даволаниши $3,0 \pm 0,5$ кунни ташкил этган. БТХ сабаб жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларда таклиф қилинган услубни қўллаш жарроҳлик амалиётидан сўнгги дастлабки ҳамда кейинги асоратларни камайтиргани ва иқтисодий томондан 98 104 875 сўм кам харажат қилингани таклиф қилинган усулнинг юқори иқтисодий самарадорлигидан далолат беради. *Хулоса:* таклиф қилинган такомиллаштирилган реабилитация усули амалга оширилганда бемор аёлларда фертиллиكنинг юқори даражада сақланиб қолгани юқори ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик эканлиги аниқланган;

тўртинчи илмий янгилик: БТХда жарроҳлик амалиётидан кейинги даврни реабилитация қилишнинг тиббий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан юқори самарадорликка эга такомиллаштирилган усули Тошкент шаҳридаги 2-туғруқ комплексининг (05.01.2024 йилдаги 28-сон буйруқ) амалий фаолиятига татбиқ этилган (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг 29.12.2023 йилдаги 7н-р/67-сонли хулосаси). *Тиббий самарадорлиги:* жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда комплекс даволаш натижасида йирингли-инфекцион асоратлар 7,4 марта – 20,8% дан 2,8% гача камайди; қолган бачадон найчасида сурункали яллиғланиш жараёнларининг зўрайиши 5,4 марта – 23,8% дан 4,2% гача, операциянинг давомийлиги $32 \pm 3,0$ дақиқага, стационарда қолиш муддати 1,7 марта – $3,5 \pm 0,5$ кунгача қисқарди, анъанавий терапияда эса у ўртача $6,0 \pm 0,5$ кунни ташкил этган. *Ижтимоий самарадорлиги:* анъанавий усул билан солиштирилганда, ўтказилган жарроҳлик амалиётидан сўнг аёллар репродуктив функциясини 3,1 мартагача тиклаш ва БТХнинг қайталаниш частотасини 2,2 марта камайтиришга эришилгани асосланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда назорат гуруҳидаги бир нафар беморни даволашга кетадиган умумий харажатлар ўртача 289 132 сўмни, асосий гуруҳдаги бир нафар беморни даволаш учун кетадиган умумий харажатлар эса ўртача 166 849 сўмни ташкил қилди. *Хулоса:* таклиф қилинган такомиллаштирилган реабилитация усули беморларда амалга оширилганда аёлларда фертиллик юқори даражада сақлаб қолиниб, унинг тиббий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги юқори эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 2 та халқаро конгресс ва 3 та республика конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика миқёсидаги илмий нашрларда 5 та мақола, 5 та тезис ва хорижий журналларда 4 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган диссертация тадқиқоти мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Бачадондан ташқари ҳомиладорлик ҳақидаги замонавий қарашлар: этиопатогенез, клиника, ташхиси, даволаш ва реабилитация»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий-тадқиқот ишлари шарҳи келтирилган. Бачадондан ташқари ҳомиладорлик (БТХ)нинг этиопатогенези, клиник кўриниши, ташхисоти ва уни даволаш муаммосига алоҳида эътибор берилган. Ушбу бобда, шунингдек, БТХнинг таснифи ва клиник кўриниши ҳамда ушбу патология билан боғлиқ ҳал қилинмаган муаммолар акс эттирилган.

Диссертациянинг **«Клиник материалнинг умумий тавсифи, бачадондан ташқари ҳомиладорлик билан касалланган беморларни ўрганиш усуллари»** номли иккинчи бобида клиник материал, тадқиқот босқичлари билан тавсифи тадқиқот дизайни ҳақида маълумот берилган, шунингдек, умумий клиник, лаборатория, ультратовуш текшириш усуллари, жарроҳлик даволаш ва статистик тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқот 2017–2022 йилларда Нукус шаҳридаги Шошилиноч тиббий ёрдам маркази ва Республика перинатал марказининг гинекология бўлимларидаги БТХ билан касалланган 816 нафар аёл тадқиқотнинг объекти бўлиб хизмат қилди. Ретроспектив гуруҳни анъанавий реабилитация усули билан амалга оширилган найча аборти натижасида битта бачадон найчаси олиб ташланган 65 нафар бемор ташкил этди. Проспектив гуруҳдаги беморлар иккита кичик гуруҳга бўлинди: биринчи кичик гуруҳга прогрессив найча ҳомиладорлиги билан оғриган, анъанавий реабилитация усули билан аъзоларни сақловчи жарроҳлик амалиёти ўтказилган 67 нафар бемор; иккинчи кичик гуруҳга эса найча ҳомиладорлиги бўлган, операциядан кейинги реабилитациянинг такомиллаштирилган усули билан аъзоларни сақловчи жарроҳлик операцияси ўтказилган 71 нафар бемор киритилди.

Ўтказилган жарроҳлик операциясидан кейинги 12 ва 24 ойлик кузатувлар давомида бачадон ичи ҳомиладорлиги ва такрорий БТХ ҳолатлари қиёсан таҳлил қилинди.

Тадқиқотда умумий клиник, лаборатория, экографик, морфологик, эндоскопик, статистик усуллар қўлланилди.

БТХ ташхиси инсон хорионик гонадотропини (ИХГ)ни аниқлаш учун ижобий сифатли пешоб тадқиқи ва / ёки ИХГ учун миқдорий қон тадқиқи асосида қўйилди. Агар қонда ИХГ камида 1000 МЕ/л ни ташкил этса ва бачадонда уруғлантирилган тухум трансвагинал УТТ билан аниқланмаса, «локализацияси номаълум (ноаник) ҳомиладорлик» ташхиси қўйилиши керак. Бундай ҳолларда қондаги β-ИХГ даражаси 48 соатдан кейин аниқланди, лаборатория текширувлари эса қуйидагиларни ўз ичига олди: қон гуруҳини, резус-факторини аниқлаш (агар илгари аниқланмаган бўлса); умумий қон таҳлили (УҚТ) (гемоглобин, гематокрит, эритроцитлар, тромбоцитлар даражаси); қон ивиш кўрсаткичлари: бемор тўшакка ётган ҳолда қон ивиш вақтини аниқлаш («кроватолди тести» – Ли-Уайт усулининг модификацияси), гемостазиограмма (фибриноген концентрацияси; ПТИ – протромбин индекси; ФҚТВ – фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти; ФПМ – фибринни парчаловчи маҳсулотлар; ХНН – халқаро нормаллаштирилган нисбат). Периферик қоннинг баъзи биокимёвий кўрсаткичлари: умумий оқсил, АЛТ, АСТ, шунингдек, мочевина, креатинин аниқланди; ЭКГ, эхокардиограмма ва керак бўлганда кичик тос аъзоларининг МРТси ҳам ўтказилди.


Шахсий компьютерда ўртача арифметик қиймат (M), ўртача квадрат оғиш (сигма), стандарт хато (m), нисбий катталиклар (частота, %)ни ҳисоблаб статистик таҳлил қилиш мумкин бўлган амалий дастурлар тўпламидан фойдаланган ҳолда олинган маълумотларга статистик ишлов берилди. Ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стьюдент t-мезони бўйича аниқланди. Статистик аҳамиятга эга ўзгаришлар учун $p < 0,05$ аҳамиятлилик даражаси қабул қилинди, бунда клиник ва лаборатория тадқиқотлари маълумотларига статистик ишлов бериш бўйича мавжуд кўрсатмалар инобатга олинди.

Диссертациянинг «**Бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг учраш частотаси, унинг ривожланишига олиб келадиган омиллар ва ретроспектив гуруҳда тубэктомиядан кейин фертилликни баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотимиз мақсадларидан бири – Оролбўйи минтақасида БТХ бўйича ўтказилган жарроҳлик операцияларидан кейинги эрта ва узоқ муддатли асоратларнинг учраш частотаси ва ривожланишига олиб келадиган омилларни ўрганишга бағишланган. Ушбу вазифани бажариш учун 2017–2022 йиллар давомида Нукус шаҳридаги Шошилинч тиббий ёрдам маркази ва Республика перинатал марказида клиник материаллар тўплаш устида иш олиб борилди. Бу давр мобайнида ушбу клиникаларда БТХ билан касалланган 816 нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатилди. Агар 2017 йилда Нукус шаҳрида туғруқлар сони 5708 тани, БТХ билан касалланиш ҳолатлари эса 104 (1,8%) тани ($p < 0,05$) ташкил этган бўлса, унда динамикада туғруқлар сони ва БТХ билан касалланишнинг ўсганлигини кузатиш мумкин. 2022 йилда

туғруқлар сони 6922 тага, БТХ билан касалланиш ҳолатлари эса 161 тага (2,3%) ошди ($p < 0,05$). БТХнинг пайдо бўлишига олиб келадиган сабаблар, яъни омилларни, шунингдек, фертиллиқнинг бузилишини чуқур тадқиқ қилиш учун биз 2017–2018 йиллар давомида ретроспектив гуруҳда БТХдан кейин найча аборти типигаги бир томонлама тубэктомия қилинган 65 нафар аёлни ўргандик. Ушбу беморларга туғруқдан кейинги даврда антибактериал, умумий кучлантирувчи ва физиотерапия муолажалари буюрилди. Тадқиқот гуруҳида 31 нафар (47,6%) уй бекаси, 12 нафар (18,4%) хизматчи, 11 нафар (16,9%) ишчи, 6 нафар (9,2%) талаба ва 5 нафар (7,2%) тиббиёт ходимлари қайд этилди. Паритетга кўра, 9 нафар (13,8%) аёл биринчи марта, 56 нафар (86,1%) аёл эса такрорий ҳомиладор бўлган. Такрорий ҳомиладор бўлган аёлларнинг 28 нафари (50,0%) да биринчи туғруқ, 24 нафари (42,8%) да иккинчи $p < 0,05$ ва 4 нафари (7,1%) да эса учинчи туғруқ кузатилди. Ушбу гуруҳ аёлларида БТХ бошланишидан олдин репродуктив функциянинг хусусиятлари ўрганилганда, ҳомиладорликнинг ўртача сони иккитадан ошмаганлиги қайд этилди. Қизиғи шундаки, анамнездаги 3 та ёки ундан ортиқ туғруқ фонидида БТХнинг бошланиши 4 нафар (7,1%) аёлда кузатилди ($p < 0,05$).

Анамнезда бир марта аборт қилдирган аёллар сони 3 та (4,6%), икки марта тиббий аборт қилдирганлар сони 2 та (3,0%) ни ташкил этди ($p < 0,05$). Ушбу гуруҳдаги аёлларда олдинги ҳомиладорлик натижалари таҳлил қилинганда, деярли бир хил эҳтимоллик билан БТХ бошланишидан олдин ҳам муддатли туғруқлар, ҳам тиббий абортлар бўлганлиги аниқланди.

БТХ мавжуд ретроспектив гуруҳда амалга оширилган 65 та гинекологик тарих таҳлили БТХ ривожланишига ҳисса қўшадиган энг муҳим хавф омиллари сифатида соматик касалликлар (СК)ни аниқлаш имконини берди. 1-диаграммада ретроспектив гуруҳдаги БТХ бўлган аёлларнинг ҳомиладорлик даврида қайд этилган СК акс этирилган. Такдим этилган маълумотлар шундан далолат берадики, ушбу минтақада анемия – 51 (78,4%), сийдик чиқариш тизими – 29 (44,6%), эндемик бўқоқ – 18 (27,7%), ошқозон-ичак йўллари, вирусли гепатит ва б. энг кўп кўп учрайдиган касалликлар бўлиб, статистик ишонччилик $p < 0,05$ ни ташкил этади.



1-диаграмма. Ретроспектив гуруҳдаги БТХ бўлган аёлларда соматик касалликлар.

1-диаграммдан кўриниб турибдики, соматик патологиялардан анемия бу минтақага хосдир. Анемия ҳомиладорлик асоратларининг эрта муддатларда кўпайишига ёрдам беради. Қоннинг газотранспорт функцияси пасайиши ҳисобига микроциркуляция тизимидаги қоннинг агрегат ҳолати ва қон томир эндотелиясининг метаболизми ёмонлашади, бу эҳтимол кўплаб акушерлик ва гинекологик патологияларнинг ривожланишига олиб келиши мумкин. Сийдик чиқариш тизими касалликлари 29 нафар (44,6%) беморда ($p < 0,05$) аниқланиб, асимптом бактериурия, цистит ва унинг қайталанувчи шакли, сурункали пиелонефрит ва сийдик тош касаллиги билан намоён бўлган. Шунинг таъкидлаш керакки, тадқиқот гуруҳида БТХ ривожланишининг хавф омиллари сифатида экстрагенитал касалликлар кўп учраб, битта ҳомиладор аёлга 1,9 бирл. ЭГК тўғри келди.

Акушерлик ва гинекологик анамнез чуқур таҳлил қилинганда қуйидаги ҳамроҳ гинекологик касалликларнинг мавжудлиги маълум бўлди: носпецифик вагинит – 33 (50,7%), қин дисбиози – 19 (29,2%), гистологик ва функционал тадқиқотлар билан тасдиқланган сурункали эндометрит – 6 (9,2%), сурункали бир томонлама сальпингит – 36 (55,3%), сурункали икки томонлама сальпингит – 29 (44,6%), аралаш инфекция – 41 (63,0%), хламидия инфекцияси – 24 (36,9%), гонорея – 7 (10,7%), аденомиоз – 8 (12,3%), бачадон ичи спиралли мавжудлиги – 11 (16,9%), анамнезда абортлар – 9 (13, 8%), поликистоз тухумдон синдроми фонидаги бепуштлик – 4 (6,1%), бачадон миомаси – 1 (1,5%) $p < 0,05$.

БТХнинг пайдо бўлиш механизмларидан бири бачадон ортиқларининг яллиғланиш жараёнлари – сальпингитлар билан боғлиқ. Сальпингитлар бачадон найчалари ичида ёки унинг атрофида битишмалар (чандик тўқималари) шаклланишига олиб келиши мумкин. Бу битишмалар тухумхужайраларнинг ҳаракатини чеклаб қўйиши, натижада уларнинг найчага имплантациясини келтириб чиқариши мумкин. Найчалар ички

катламининг шикастланиши уларнинг торайиши ёки бекилиб қолишига олиб келиб, уруғланган тухумхужайраларнинг бачадон томон нормал ҳаракатланишига тўсқинлик қилади. Киприкчаларнинг функцияси бузилади, чунки бачадон найчаларининг ички юзаси тухумхужайраларнинг ҳаракатланишига ёрдам берадиган киприкчалар билан қопланган. Яллиғланиш жараёнлари бу киприкчаларга зарар етказиши ёки уларнинг ҳаракатчанлигини камайтириши мумкин.

Шундай қилиб, охириги йилларда Оролбўйи минтақасида БТХнинг учраш частотаси сезиларли даражада ошганлиги кузатилди. Асосий хавф омиллари анемия, сийдик чиқариш тизими, шунингдек, жинсий аъзоларнинг яллиғланиши каби соматик касалликлардан иборат бўлди. Беморларнинг акушерлик ва гинекологик анамнезини ҳар томонлама таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, БТХнинг ривожланишида ҳамроҳ гинекологик касалликлар ва қорин бўшлиғи органларида илгари ўтказилган жарроҳлик операциялари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу натижалар репродуктив ёшдаги аёлларда соматик ва яллиғланиш касалликларининг олдини олиш ва уларни даволашга кўпроқ эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади. Ушбу патологияларни эрта ташхислаш ва ўз вақтида даволаш БТХнинг ривожланиш хавфини сезиларли даражада камайтириши ва репродуктив натижаларни яхшилаши мумкин.

БТХни даволаш жарроҳлик йўли билан амалга оширилди: 36 нафар (55,4%) беморда лапароскопия йўли билан бачадон найчаси олиб ташланди (1-расм), 29 нафар (44,6%) аёлда лапаротомия йўли билан тубэктомия амалга оширилди (2-расм). Шуни таъкидлаш керакки, ўнг томонлама БТХ чап томонлама БТХга нисбатан 1,6 марта кўп учраган. Қон йўқотиш миқдори лапаротомия операцияси пайтида ўртача $360,0 \pm 50,0$ мл, лапароскопик жарроҳлик усулида эса $240,0 \pm 20,0$ мл ни ташкил этди.



1-расм. БТХда лапароскопик тубэктомия.

2-расм. БТХда лапаротомик тубэктомия.

Операциядан кейинги даврда инфекцияли асоратларни профилактик даволаш анъанавий усулда ўтказилиб, 41 нафар (63,0%) аралаш-инфекция билан оғриган беморларга учинчи авлод цефалоспоринларни (цефтриаксон)

кунига 2 марта 2 граммдан 5 кун давомида вена ичига юбориш, 24 нафар (36,9%) хламидия инфекцияси билан оғриган беморларга эса макролидлардан джозамицин 5 кун давомида 1,5 граммдан ёки азитромицин 3 кун давомида 1,0 грамм суткалик дозада буюрилди. Гонорея инфекцияси билан касалланган 7 нафар (10,7%) беморга амоксициллин/клавуланат вена ичига кунига 2 марта 1,2 г дозадан 5 кун давомида буюрилди. Фақатгина 6 нафар (9,2%) беморга, уларда иккитадан ортиқ хавф омиллари ва сийдик чиқариш йўлларининг оғир инфекцияси мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, фосфомицин натрий тузи кунига 2 марта 4,0 г дозада 5 кун давомида буюрилди.

Ретроспектив гуруҳдаги 65 нафар аёлда 12–24 ой давомида фертилик баҳоланди. Ретроспектив гуруҳда анъанавий даволаш фониди биринчи йил давомида спонтан ҳомиладорлик 9 нафар (13,8%), кузатувнинг иккинчи йилида эса 4 нафар (6,1%) аёлда бошланиб, умумий ҳомиладорлик даражаси 13 нафарни (20%) ташкил этди. Афсуски, ушбу гуруҳдаги 16 нафар (24,6%) беморнинг 5 нафариди (7,6%) кузатувнинг биринчи йилида ва 11 нафариди (16,9%) эса кузатувнинг иккинчи йилида қолган бачадон найчасида иккинчи марта БТХ бошланди. 36 нафар (55,3%) беморда икки йил давомида бепуштлик кузатилди. 16 нафар (24,6%) аёлда учраган такрорий БТХ иккиламчи мутлақ бепуштликка олиб келдики, кейинчалик бу беморларда ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллаш талаб қилиниши мумкин.


Шундай қилиб, лапароскопик ва лапаротомик усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилган бир томонлама тубэктомия, шунингдек, комплекс даволашдан сўнг 13 нафар (20,0%) беморда репродуктив функция икки йил давомида тикланди.

Диссертациянинг тўртинчи бобиди «Тадқиқот гуруҳида прогрессив бачадон найи ҳомиладорлигининг юзага келиш сабаблари, клиник кечиш хусусиятлари, функционал, лапароскопик ва гормонал ташхисот усуллари» кўриб чиқилган. Ушбу бобда 2019 йилдан 2022 йилгача проспектив гуруҳнинг БТХ билан касалланган 457 нафар беморидан асосий гуруҳдаги бачадон найи ҳомиладорлиги билан оғриган, аъзоларни сақловчи жарроҳлик ва фертиликни сақлаш комплекс реабилитация чора-тадбирларининг оптималлаштирилган варианты билан даволанган 71 нафар (15,5%) беморда ва шу йилларда анъанавий реабилитация тадбирларидан фойдаланган ҳолда аъзоларни сақловчи жарроҳлик ўтказилган таққослаш гуруҳидаги 67 нафар (15,1%) беморда ушбу патологиянинг пайдо бўлиш сабаблари, клиник кечиш хусусиятлари, эрта ташхисоти, жарроҳлик йўли билан даволаш ва реабилитацияси қиёсий жиҳатдан ўрганилди.

Кичик тос аъзоларининг яллиғланиш касалликлари (КТАЯК) асосий гуруҳдаги 39 нафар (54,9%), улардан бир томонлама сурункали сальпингоофорит 36 нафар (50,7%) ва икки томонлама сальпингоофорит 23 нафар (32,4%) аёлда учраган бўлса, назорат гуруҳида мос равишда бир томонлама сурункали сальпингоофорит 38 нафар (56,7%) ва икки томонлама сальпингоофорит 17 нафар (25,4%) беморда қайд этилди. Бундан ташқари, носпецифик вагинитлар – 33 (50,7%), қин дисбиози – 19 (29,2%), гистологик ва функционал тадқиқотлар билан тасдиқланган сурункали эндометрит – 4

(5,6%) нафар асосий гуруҳ беморларида ва, мос равишда, назорат гуруҳидаги 36 (53,7%), 21 (31,3%) ва 7 (10,4%) нафар аёлда кузатилди ($p < 0,05$). Аралаш инфекция асосий гуруҳдаги 49 нафар (69,0%) ва назорат гуруҳидаги 54 нафар (80,6%) аёлда; хламидия инфекцияси – мос равишда 28 нафар (39,4%) ва 33 нафар (49,2%) аёлда; гонорея – мос равишда 3 нафар (4,2%) ва 5 нафар (7,4%) аёлда учради ($p < 0,05$).

Шундай қилиб, БТХ этиологиясида КТАЯК асосий гуруҳдаги 39 нафар (54,9%) ва назорат гуруҳидаги 38 нафар (56,7%) беморда қайд этилди. Сўнгги йилларда БТХ пайдо бўлиши хавф омиллари орасида жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, биринчи навбатда, асосий гуруҳдаги 28 нафар (39,4%) ва назорат гуруҳидаги 33 нафар (49,2%) беморда кузатилган хламидия сальпингитига тегишлидир (2-диаграмма).




2-диаграмма. Асосий ва назорат гуруҳларидаги БТХ бўлган аёлларнинг гинекологик касалликлари.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, УТТ ва жарроҳлик аралашуви маълумотларига кўра, найча ҳомиладорлиги бўлган асосий гуруҳдаги 71 нафар беморнинг бачадон найчасида уруғланган тухумнинг локализацияси фойзларда қуйидагича: бачадон найчасининг интерстициал бўлимида – 1 нафар (1,4%) (3–4-расмлар), истмик бўлимида – 4 нафар (5,6%) ва ампуляр бўлимида – 66 нафар (92,6%) беморда аниқланган.

1-жадвалдан кўришиб турибдики, назорат гуруҳида уруғланган тухумнинг бачадон найчасидаги локализацияси қуйидагича: истмик бўлимда – 7 нафар (10,4%), ампуляр бўлимда – 59 нафар (88,0%), фимбриал бўлимда – 1 нафар (1,5%) беморда қайд этилди.

К. Мак-Интайр-Зельтман (2022) келтирган маълумотларга кўра, найча ҳомиладорлигининг 80% ни ампуляр найча ҳомиладорлиги ташкил қилади.

Бизнинг тадқиқотларимизда бу кўрсаткич асосий гуруҳда 92,6%, назорат гуруҳида эса 88,0% ни ташкил этди. Бачадон найчасининг ампуласи унинг энг кенг қисми бўлганлиги сабабли, ампуляр ҳомиладорлик пайтида уруғланган тухум у ерда сезиларли ўлчамларга етиши мумкин. Бундай ҳолатларда ҳомиладорлик одатда 12-ҳафтага бориб тўхтатилади.



3-расм. БТХнинг УТТ-ташхисоти.



4-расм. БТХнинг интерстициал бўлимида жойлашуви.

Кўпинча бачадон найчасининг ёрилиши содир бўлади, камдан-кам ҳолларда найча аборти типидида ҳомиладорлик тўхтатилади. Найча аборти БТХнинг бошқа – қорин бўшлиғи, тухумдон ёки фимбриал турларига олиб келиши мумкин, аммо бизнинг тадқиқотларимизда бундай асоратларга дуч келинмади, чунки ўз вақтида ташхис қўйилиб, аъзоларни сақловчи жарроҳлик амалиёти амалга оширилган.

1-жадвал

Бачадон найчасида уруғланган тухум локализацияси

Т/р	Бачадон найчаси бўлимлари	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи	
		n=71	%	n=67	%
1	интерстициал бўлим	1	1,4*	-	-
2	истмик бўлим	4	5,6	7	10,4
3	ампуляр бўлим	66	92,6	59	88,0
4	фимбриал бўлим	-	-	1	1,5*

Статистик ишонччилик * $p < 0,05$

